

**«Ўзпартампонаж» АЖ акциядорларнинг 2018 йил
яқунлари бўйича умумий йиғилиши
1 – сонли БАЁННОМА СИ**

28 июнь 2019 йил
Йиғилиш бошланиш вақти: 11:00

Қоровулбозор шаҳри,
Қарши шоҳ кўчаси, жамият биноси

Акциядорлар умумий йиғилиши президиуми:

Умумий йиғилиш раиси ва
«Ўзбурғунегаз» АЖ нинг
ваколатли вакили -

Бозоров Ғ.А.

“Eriell GmbH” Чет-эл Компаниясининг
ваколатли вакили -

Иргашев Р.К.

«INTEGRA EURASIA» МЧЖнинг,
ваколатли вакили -

Муродов К.Н.

«Ўзпартампонаж» АЖ директори -

Суяров Б.О.

Йиғилиш котиби:

Мингяшаров Н.Қ.

Жами овоз берувчи акциялар сони – 8447400 дона

Жами акциядорлар сони – 491 киши

Қатнашдилар:

“Ўзбурғунегаз” АЖ вакили ишончнома асосида Бош мутахассис Бозоров Ғ.А. – 3041090 та овоз, «INTEGRA EURASIA» МЧЖ вакили ишончнома асосида Муродов К.Н. – 816200 та овоз, “Eriell GmbH” Чет-эл Компаниясининг вакили ишончнома асосида Иргашев Р.К. – 1267110 та овоз, Акциядор Мирзаев Икромжон Турсуновичнинг вакили Акабиров А.О. – 1161400 та овоз ва бошқа 5 нафар жисмоний шахс – акциядорлар 58800 та овоз билан қатнашдилар.

Кворум – 75,1%.

КУН ТАРТИБИ:

1. Акциядорлар умумий йиғилишининг регламентини тасдиқлаш.
2. Санок комиссияси шахсий таркибини тасдиқлаш.
3. “Ўзпартампонаж” АЖнинг Кузатув кенгашининг 2018 йилда ваколат доирасига кирадиган масалалар, шу жумладан жамиятни бошқаришга доир конун ҳужжатларида белгиланган талабларга риоя этилиши юзасидан ҳисоботини тасдиқлаш.
4. “Ўзпартампонаж” АЖнинг ижро органининг 2018 йил яқунлари бўйича Бизнес-режа кўрсаткичлари ҳамда узоқ ва ўрта муддатга мўлжалланган стратегиясини бажарилиши юзасидан ҳисоботини тасдиқлаш.
5. “Ўзпартампонаж” АЖнинг 2018 йил молиявий хўжалик фаолияти яқунлари бўйича: ташқи аудиторни бухгалтерия ҳисобининг миллий стандарти, молия ҳисобининг халқаро стандарти ва халқаро аудит стандартларига мувофиқ ўтказилган ҳулосаси, ҳамда СМК, СІК ва уларнинг бажарилиши фоизларининг ҳисобланган миқдорини текшириш бўйича ҳисоботи, жамият тафтиш комиссиясининг ҳулосаси ва жамиятнинг йиллик ҳисоботини тасдиқлаш.
6. “Ўзпартампонаж” АЖнинг 2018 йил якуни бўйича олинган соф фойдасини тақсимлаш.
7. “Ўзпартампонаж” АЖ кузатув кенгаши аъзоларини қайта сайлаш.
8. “Ўзпартампонаж” АЖ тафтиш комиссияси аъзоларини қайта сайлаш.
9. “Ўзпартампонаж” АЖ директориға 2019 йилда тўланадиган рағбатлантириш ва компенсацияларнинг энг юкори миқдорларини белгилаш.
10. Аффилланган шахс билан келгусида жамият томонидан хўжалик фаолияти жараёнида

акциядорларнинг кейинги йиллик умумий йиғилишигача бўлган даврда тузилиши мумкин бўлган битимни (битимларни) маъқуллаш ҳақида қарор қабул қилиш.

11. “Ўзпартампонач” АЖнинг 2019 йил якуни буйича бухгалтерия ҳисобининг миллий стандарти, молия ҳисобининг халқаро стандарти ва халқаро аудит стандартларига мувофиқ ўтказилган текшириш учун ташқи аудиторни тасдиқлаш.

12. “Ўзпартампонач” АЖнинг Уставига, “Акциядорлар умумий йиғилиши тўғрисида”ги, “Кузатув кенгаши тўғрисида”ги, “Ички аудит тўғрисида”ги ва “Корпоратив маслаҳатчиси тўғрисида”ги низомларига киритиладиган ўзгартиришлар ва қўшимчаларни тасдиқлаш.

Э Ш И Т И Л Д И :

“Ўзбурғунефтгаз” АЖ бош мутахассиси **Бозоров Ғ.А.** кворум мавжудлигини ва йиғилишни очилишини эълон қилди. Йиғилиш иштирокчилари ичидан 3 кишидан иборат ишчи президиумни ташкил қилишни таклиф қилди. Булар:

Бозоров Ғолиб Абдурахмонович
Иргашев Рустам Курбанович
Суяров Бахриддин Овлокулович

Таклиф бир овоздан маъқулланди. Йиғилишда Бозоров Ғолиб Абдурахмонович раислик қилди. Баённомани ёзиб боровчи котибни сайлаб олишни таклиф этди ва корпоратив муносабатлар ва қимматли қоғозлар бўйича менеджер Мингяшаров Н.Қ. номзоди кўрсатилди. Бу таклиф ҳам бир овоздан қабул қилинди.

Кун тартибидаги **биринчи** ва **иккинчи** масала юзасидан Корпоратив муносабатлар ва қимматли қоғозлар бўйича менеджер Мингяшаров Н.Қ. сўзга чиқди. У Акциядорлар умумий йиғилиш кун тартиби, санок комиссияси ва регламентини тасдиқлаш учун ўқиб эшиттирди.

Овозларни санаш учун қуйидаги таркибдан иборат санок комиссиясини сайлашни таклифи қилди:

Турдиев Х. - санок комиссияси раиси.
Эримов М. - санок комиссия аъзоси
Кароматов А. - санок комиссия аъзоси

Таклиф бир овоздан маъқулланди.

Регламент бўйича кун тартибидаги масалалар 12 тани ташкил этади ва ҳисобот берувчиларга 10 дақиқадан ажратишни таклиф этди. Таклиф бир овоздан маъқулланди.

Биринчи ва иккинчи масалалар муҳокамасидан сўнг акциядорлар умумий йиғилиш регламентини ва санок комиссиясини тасдиқлаш масаласи

Овозга қўйилди: **Розилар** – 6 344 600 овоз.
Қаршилар – йўқ,
Бетарафлар – йўқ.

Қ А Р О Р Қ И Л А Д И :

1. Акциядорлар умумий йиғилиш регламенти тасдиқлансин.

2. Санок комиссияси таркиби 3 кишидан иборат Турдиев Х. - санок комиссияси раиси, Кароматов А. ва Эримов М.лар - санок комиссияси аъзолари этиб сайлансин.

Кун тартибидаги **учинчи** масала юзасидан “Ўзбурғунефтгаз” АЖ бош мутахассиси **Бозоров Ғ.А.** сўзга чиқди. У 2018 йил давомида «Ўзпартампонач» АЖ директори ва етакчи мутахассислар иштирок эткан 12 та кузатув кенгаши йиғилиши ўтказилиб, қарорлар бир овоздан қабул қилинганлигини ва директорининг ҳисоботлари ҳамда бевосита Кузатув кенгашининг ваколатига кирадиган бошқа масалалар ҳар чоракда тинглаб борилганлигини айтиб ўтди.

Учинчи масала муҳокамасидан сўнг, жамият кузатув кенгашининг 2018 йил якуни бўйича ҳисоботини тасдиқлаш масаласи

Овозга қўйилди: **Розилар** – 6 344 600 овоз.
Қаршилар – йўқ,
Бетарафлар – йўқ.

Қ А Р О Р Қ И Л А Д И :

3. Жамият кузатув кенгашининг 2018 йил якуни бўйича ҳисоботи тасдиқлансин.

Тўртинчи масала бўйича «Ўзпартампонаж» АЖ директори **Б.О. Суяров** сўзга чиқди. У акциядорлик жамиятининг 2018 йилдаги молия – хўжалик фаолияти ва бажарилган ишлар, бизнес-режа кўрсаткичлари, узоқ ва ўрта мудатга мулжалланган стратегиясини бажарилиши юзасидан ҳисоботи ҳамда 2018 йилда олдимизга қўйилган вазифалар тўғрисида ҳисобот берди. (*маъруза илова қилинади*).

Тўртинчи масала муҳокамасидан сўнг, 2018 йил молия-хўжалик фаолияти якунлари бўйича жамият директорининг ҳисоботини тасдиқлаш масаласи

Овозга қўйилди: **Розилар** – 6 344 600 овоз,
Қаршилар – йўқ,
Бетарафлар – йўқ.

Қ А Р О Р Қ И Л А Д И :

4. Жамият директорининг 2018 йил молия-хўжалик фаолияти якунлари бўйича бизнес-режа кўрсаткичлари ҳамда узоқ ва ўрта мудатга мулжалланган стратегиясини бажарилиши юзасидан ҳисоботи тасдиқлансин.

Бешинчи масала бўйича жамиятнинг бош ҳисобчиси в.в.б. **Султонов К.К.** сўзга чиқди. У Жамиятнинг 2018 йил молиявий хўжалик фаолияти якунлари бўйича: ташқи аудиторни бухгалтерия ҳисоботининг миллий стандарти, молиявий ҳисоботнинг халқаро стандарти ва халқаро аудит стандартларига мувофиқ ўтказилган хулосаси, ҳамда самарадорликнинг муҳим кўрсаткичи, самарадорликнинг йиғинди кўрсаткичи ва уларнинг бажарилиши фоизларининг ҳисобланган миқдорини текшириш бўйича ҳисоботи, жамият тафтиш комиссиясининг хулосаси ва жамиятнинг йиллик ҳисоботини тасдиқлаш учун ўқиб эшиттирди (*ҳисоботлар илова қилинади*).

Бешинчи масала муҳокамасидан сўнг, жамиятни 2018 йил молиявий хўжалик фаолияти якунлари бўйича: ташқи аудиторни БХМС, МХХС ва ХАС мувофиқ ўтказилган хулосаси, ҳамда СМК, СЙК ва уларнинг бажарилиши фоизларининг ҳисобланган миқдорини текшириш бўйича ҳисоботи, жамият тафтиш комиссиясининг хулосаси ва жамиятнинг йиллик ҳисоботи тасдиқлаш масаласи

Овозга қўйилди : **Розилар** – 6 344 600 овоз,
Қаршилар – йўқ,
Бетарафлар – йўқ.

Қ А Р О Р Қ И Л А Д И :

5. Жамиятни 2018 йил молиявий хўжалик фаолияти якунлари бўйича: ташқи аудиторни БХМС, МХХС ва ХАС мувофиқ ўтказилган хулосаси, ҳамда СМК, СЙК ва уларнинг бажарилиши фоизларининг ҳисобланган миқдорини текшириш бўйича ҳисоботи, жамият тафтиш комиссиясининг хулосаси ва жамиятнинг йиллик ҳисоботи тасдиқлансин.

Олтинчи масала бўйича жамият бош ҳисобчиси **Султонов К.К.** сўзга чиқди. У ўз нутқида 2018 йил якуни бўйича жамият 139 407 000 сўм миқдорда соф фойда билан чиққанлигини айтиб ўтди ҳамда бу соф фойданинг тақсмотини дастлаб тасдиқлаш учун “Ўзпартампонаж” АЖнинг кузатув кенгашига 2019 йил 31 майдаги № 378 сонли хатига асосан қуйидагича тақсимлашни тақлиф қилинганлигини айтиб ўтди.

Жамият бош ҳисобчиси ўз сўзини давом эттириб, жамият томонидан соф фойданинг 20% ни дивидендга яъни 27 881 400 сўм, уй-жой қурилиш фондига 10% ни яъни 13 940 700 сўм,

қолган 70% ни яъни 97 584 900 сўм соф фойда кейинчалик капитализацияга йўналтиришни таклиф қилинганлигини айтиб ўтди ва бу тақсимотни тасдиқлашни таклиф қилди.

Олтинчи масала муҳоқомасидан сўнг, жамиятнинг 2018 йил якуни бўйича олинган соф фойдаси тақсимотини тасдиқлаш масаласи

Овозга қўйилди :	Розилар	– 5 528 400 овоз,
	Қаршилар	– 816200 овоз,
	Бетарафлар	– йўқ.

Қ А Р О Р Қ И Л А Д И :

6. Жамиятнинг 2018 йил молия-хўжалик фаолияти бўйича олинган **139 407 000** сўм соф фойдаси куйидагича тақсимлансин:

- дивидентга **20%** яъни **27 881 400** сўм ажратилсин;
- уй-жой қурилиш фондига **10%** яъни **13 940 700** сўм ажратилсин;
- қолган **70%** яъни **97 584 000** сўм пул маблағини кейинчалик капитализацияга йўналтирилсин.

Еттинчи масала юзасидан Корпоратив муносабатлар ва қимматли қоғозлар бўйича менеджер **Мингяшаров Н.Қ.** сўзга чиқди. Ўз сўзида Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 6 май 370- рақам билан руйхатга олинган «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини химоя қилиш тугрисидаги» қонунининг 70 моддасига асосан жамият Кузатув кенгашига ва тавтиш комиссиясига номзодларни қимлар тавсия этиши тўғрисида тўхталиб ўтди. «Ўзбурғунефтгаз» Акциядорлик жамияти бошқарув раисининг 2019 йил 28 январдаги 13/АУ-53 рақамли хатига асосан куйидаги номзодларни «Ўзпартампоаж» АЖ Кузатув кенгашига киритишни таклиф қилган.

1. **Мамадалиев Чори Мусирмонович** - («Ўзбурғунефтгаз» АЖнинг ишлаб чиқариш бўйича бошқарув раисининг биринчи ўринбосари),

2. **Шомуродов Элбек Ражабович** - («Ўзбурғунефтгаз» АЖнинг меҳнат муҳофазаси ва техника хавфсизлиги бўлими бошлиғи),

3. **Кубонов Парда Халилович** - («Ўзбурғунефтгаз» АЖнинг сафарбарлик ишлари ҳамда фуқаролар муҳофазаси бўлими бошлиғи),

4. **Бозоров Ғолиб Абдурахмонович** - («Ўзбурғунефтгаз» АЖнинг меҳнатни ташкиллаштириш ва ойлик иш ҳаққи бўйича бош мутахассиси),

5. **Рахматуллаев Маннон Зафарович** - («Ўзбурғунефтгаз» АЖнинг Корпоратив муносабатлар бўйича бош мутахассиси).

«Ўзбурғунефтгаз» Акциядорлик жамияти «Ўзпартампоаж» АЖ нинг **36% фоиз** акцияларига эгалик қилади.

Бундан ташқари, «INTEGRA EURASIA» ШКнинг 2018 йил 6 декабрдаги №27АГ рақамли тавсияномасига асосан, «Ўзпартампоаж» АЖ **Кузатув кенгашига** куйидаги номзодни киритишни таклиф қилган:

1. **Гафиятуллин Артур Адгамович** - «Integra Eurasia» ШК директори.

«INTEGRA EURASIA» ШК «Ўзпартампоаж» АЖнинг **9,7%** акцияларига эгалик қилади.

«ERIELL GmbH» Чет-эл Компаниясининг 2018 йил 29 январдаги ИСХ-ЕС-214 рақамли хатига асосан куйидаги номзодларни «Ўзпартампоаж» АЖ **Кузатув кенгашига** киритишни таклиф қилган:

1. **Иргашев Рустам Курбанович** - «ERIELL GmbH» Чет-эл Компаниясининг вакили.

«ERIELL GmbH» Чет-эл Компанияси «Ўзпартампоаж» АЖ нинг **15%** акцияларига эгалик қилади.

Жисмоний шахс, Акциядор - Мирзаев Икромжон Турсуновичнинг ишончномаси асосида унинг вакили жисмоний шахс Акабиров Анвар Олимовичнинг 2018 йил 20 мартда жамиятимизга ёзган аризасига биноан куйидаги номзодни «Ўзпартампоаж» АЖ Кузатув кенгашига киритилишини таклиф этди.

1. **Акабиров Анвар Олимович** («Ўзпартампоаж» АЖнинг **13,75% фоиз** акцияларига эгалик қилувчи акциядор Мирзаев Икромжон Турсуновичнинг вакили).

Еттинчи масала муҳокамаси якунидан сўнг,

Жамият кузатув кенгаши таркибига куйидагилардан 7 кишини сайлаш овозга қўйилди:

1. **Мамадалиев Чори Мусирмонович** – овоз берилмади;
2. **Шомуродов Элбек Ражабович** – 5 380 702 та овоз берилди;
3. **Кубонов Парда Халилович** – 5 380 702 та овоз берилди;
4. **Бозоров Голиб Абдурахмонович** – 5 380 704 та овоз берилди;
5. **Рахматуллаев Маннон Зафарович** – 5 380 702 та овоз берилди;
6. **Иргашев Рустам Курбанович** – 8 928 570 та овоз берилди;
7. **Гафиятуллин Артур Адгамович** – 5 772 200 та овоз берилди;
8. **Акабиров Анвар Олимович** – 8 188 600 та овоз берилди.

Қ А Р О Р Қ И Л А Д И :

7. “Ўзпартампоаж” АЖ Кузатув кенгаши таркибига куйидаги 7 киши сайлансин:

1. **Бозоров Голиб Абдурахмонович** – (“Ўзбурғуннефтгаз” АЖнинг меҳнатни ташкиллаштириш ва ойлик иш ҳаққи бўйича бош мутахассиси).

2. **Шомуродов Элбек Ражабович** – (“Ўзбурғуннефтгаз” АЖнинг меҳнат муҳофазаси ва техника хавфсизлиги бўлими бошлиғи).

3. **Кубонов Парда Халилович** – (“Ўзбурғуннефтгаз” АЖнинг сафарбарлик ишлари ҳамда фуқаролар муҳофазаси бўлими бошлиғи).

4. **Рахматуллаев Маннон Зафарович** – (“Ўзбурғуннефтгаз” АЖнинг Корпоратив муносабатлар бўйича бош мутахассиси).

5. **Гафиятуллин Артур Адгамович** – («Integra Eurasia» ШК директори).

6. **Иргашев Рустам Курбанович** – (“ERIELL GmbH” Чет-эл Компаниясининг вакили).

7. **Акабиров Анвар Олимович** – (Акциядор - Мирзаев Икромжон Турсуновичнинг вакили).

Саккизинчи масала бўйича **И.Қ. Мингяшаров** сўзга чиқди. Ўз сўзида Ўзбекистон Республикаси «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонун талаблари ва жамият Кузатув кенгаши тавсияси асосан 2018 йилга тафтиш комиссиясини куйидаги янги таркибини сайлаш лозимлигини айтиб ўтди:

1. **Шодмонов Ихтиёр Тогаевич** - (“Ўзбурғуннефтгаз” АЖнинг етакчи мутахассиси);

2. **Назаров Эламон Гаппарович** - (“Ўзбурғуннефтгаз” АЖнинг мулкый муносабатлар бўйича менеджери);

3. **Тошмахмадов Акмал Каримович** - “Ўзбурғуннефтгаз” АЖнинг етакчи иқтисодчиси.

Саккизинчи масала муҳокамаси якунидан сўнг, овозга қўйилди.

Тафтиш комиссияси таркибига куйидаги 3 кишини сайлаш:

1. **Шодмонов Ихтиёр Тогаевич** – 6 344 600 та овоз билан;

2. **Назаров Эламон Гаппарович** – 6 344 600 та овоз билан;

3. **Тошмахмадов Акмал Каримович** – 6 344 600 та овоз билан.

Қ А Р О Р Қ И Л А Д И :

8. Тафтиш комиссияси таркибига куйидаги 3 киши сайлансин:

1. **Шодмонов Ихтиёр Тогаевич** - (“Ўзбурғуннефтгаз” АЖнинг етакчи мутахассиси).

2. **Назаров Эламон Гаппарович** - (“Ўзбурғуннефтгаз” АЖнинг мулкый муносабатлар бўйича менеджери).

3. **Тошмахмадов Акмал Каримович** - (“Ўзбурғуннефтгаз” АЖнинг етакчи иқтисодчиси).

Тўққизинчи масала юзасидан Корпоратив муносабатлар ва қимматли қоғозлар бўйича менежер **Мингяшаров Н.Қ.** сўзга чиқди. Ўз нутқида Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонунга киритилган ўзгартиришлар, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 28 июл 2016 йилдаги 207-сонли қарори талабларига ҳамда жамият фаолиятига тадбиқ этилган “Корпоратив бошқарув кодекс” талабларига мувофиқ, Ўзбекистон Республикасининг 06 май 2015 йилдаги “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонуннинг 59-моддасига мувофиқ, жамиятнинг яқка тартибдаги ижроия органига – директорига тўланадиган ҳақ ва (ёки) компенсацияларни, шунингдек уларнинг энг юқори миқдорларини белгилаш акциядорларнинг умумий йиғилиши ваколатига кириши белгиланган.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда “Ўзпартампонаж” АЖ яқка тартибдаги ижроия органига – директорига 2019 йилда тўланадиган рағбатлантириш ва (ёки) компенсацияларнинг энг куп миқдори ҳисоби жадвали ўқиб эшиттирилди (*ҳисоб жадвали илова қилинади*).

Тўққизинчи масала муҳокамаси якунидан сўнг,

Овозга қўйилди :	Розилар	– 6 344 600 овоз,
	Қаршилар	– йўқ,
	Бетарафлар	– йўқ.

Қ А Р О Р Қ И Л А Д И:

9. “Ўзпартампонаж” АЖ яқка тартибдаги ижроия органига – директорига 2019 йилда тўланадиган рағбатлантириш ва (ёки) компенсацияларнинг энг куп миқдорлари тасдиқлансин.

Ўнинчи масала юзасидан сўз “Ўзпартампонаж” АЖ Корпоратив маслаҳатчиси А.У.Махмудовга берилди. Ўз нутқида Ўзбекистон Республикасининг 06 май 2015 йилдаги “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонуннинг 85-моддасига мувофиқ, Жамият битим тузишидан манфаатдор шахслар мазкур жамиятга нисбатан аффилиланган шахслар деб эътироф этилиши ва қуйидагилар жамиятнинг аффилиланган шахслари деб белгиланганлигини айтиб ўтди:

1) ушбу жамиятнинг йигирма фоиз ва ундан ортиқ фоиз акцияларига эгалик қилувчи юридик шахс;

2) ушбу жамиятнинг йигирма фоиз ва ундан ортиқ фоиз акцияларига яқин қариндошлари билан биргаликда эгалик қилувчи жисмоний шахс;

3) ушбу жамият кузатув кенгашининг аъзоси, жамият директорининг ёхуд жамият бошқаруви аъзосининг ваколатларини амалга ошираётган шахс;

4) ушбу жамият қайси юридик шахс устав фондининг (устав капиталининг) йигирма фоизи ва ундан ортиқ фоизига эгалик қилса, ўша юридик шахс;

5) ушбу жамиятнинг шўъба хўжалик жамияти бўлган ёки ушбу жамият қайси жамиятнинг шўъба хўжалик жамияти бўлса, ўша жамиятнинг шўъба хўжалик жамияти бўлган юридик шахс;

6) ушбу жамият устав фондининг (устав капиталининг) йигирма фоизи ва ундан ортиқ фоизига эгалик қилувчи айни бир шахс қайси юридик шахс устав фондининг (устав капиталининг) йигирма фоизи ва ундан ортиқ фоизига эгалик қилса, ўша юридик шахс;

7) ушбу жамият кузатув кенгашининг камида учдан бир қисмини ташкил этувчи айни бир шахслар ва уларнинг яқин қариндошлари қайси юридик шахс кузатув кенгашининг камида учдан бир қисмини ташкил этса, ўша юридик шахс;

8) ушбу жамиятнинг директори ёхуд бошқарув аъзоси бўлган айни бир шахс ёки унинг яқин қариндошлари қайси юридик шахс ижроия органининг раҳбари вазифасини амалга ошираётган бўлса, ўша юридик шахс;

9) яқин қариндошлари билан биргаликда ушбу жамият кузатув кенгашининг камида учдан бир қисмини ташкил этувчи шахс қайси юридик шахс раҳбарининг ёки ижроия органи аъзосининг вазифасини амалга ошираётган бўлса, ўша юридик шахс;

10) ушбу жамият директорининг ёки бошқарув аъзосининг ваколатларини амалга ошираётган шахс яқин қариндошлари билан биргаликда қайси юридик шахс жамият кузатув кенгашининг камида учдан бир қисмини ташкил этса, ўша юридик шахс;

11) ушбу жамият билан битта хўжалик бирлашмасига кирувчи юридик шахс.

Шу билан бирга, юқоридаги қонуннинг 88-моддасига мувофиқ, Жамиятнинг кузатув кенгаши ёки акциядорларнинг умумий йиғилиши аффилиланган шахс билан келгусида жамият томонидан кундалик хўжалик фаолияти жараёнида акциядорларнинг кейинги йиллик умумий йиғилишигача бўлган даврда тузилиши мумкин бўлган битимни (битимларни) маъқуллаш ҳақида қарор қабул қилишга ҳақли эканлиги белгиланган.

“Ўзпартампонаж” АЖ томонидан ўзининг кундалик хўжалик фаолияти жараёнида “Ўзбекнефтгаз” АЖ таркибига кирувчи корхоналар - аффилиланган шахслар билан тегишли битим (битимлар) тузилишини инobatга олган ҳолда, акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан кейинги йиллик умумий йиғилишигача бўлган даврда тузилиши мумкин бўлган мазкур битимни (битимларни) маъқуллаш ҳақида қарор қабул қилиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Ўнинчи масала муҳокамаси якунидан сўнг,

Овозга қўйилди : **Розилар** – 6 344 600 овоз,
Қаршилар – йўқ,
Бетарафлар – йўқ.

Қ А Р О Р Қ И Л А Д И :

10. “Ўзпартампонаж” АЖ томонидан ўзининг кундалик хўжалик фаолияти жараёнида “Ўзбекнефтгаз” АЖ таркибига кирувчи корхоналар - аффилиланган шахслар билан тегишли битим (битимлар) тузилишини инobatга олган ҳолда, акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан кейинги йиллик умумий йиғилишигача бўлган даврда тузилиши мумкин бўлган мазкур битим (битимлар) маъқуллансин.

Кун тартибига қўйилган **ўн биринчи** масала юзасидан сўзга Корпоратив муносабатлар ва қимматли қозғалар бўйича менежер **Мингяшаров Н.Қ.** чиқиб, Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 20 мартадаги -351-УРК-сонли айрим қонун ҳужжатларига узгартириш киритиш тўғрисидаги қонунга асосан “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонуннинг 79 ва 83-моддаларига ўзгартиришлар киритилганлигини, хусусан - “мажбурий аудиторлик текширувини ўтказиш, аудиторлик ташкилотини ва унинг хизматларига тўланадиган ҳақнинг энг кўп миқдорини белгилаш тўғрисида қарор қабул қилиш” айтиб ўтди.

Жамиятни 2019 йил якунлари бўйича молия-хўжалик фаолиятини бухгалтерия ҳисобини миллий стандарти, халқаро аудит стандарти, молиявий ҳисоботини халқаро стандарти бўйича текшириш учун мустақил ташкилотни танлаш мақсадида танлов ўтказиш тўғрисида танлов эълон қилинганлиги тўғрисида ахборот берди.

“Ўзпартампонаж” АЖнинг 2019 йил якунлари бўйича молия-хўжалик фаолиятини бухгалтерия ҳисобини миллий стандарти, халқаро аудит стандарти, молиявий ҳисоботини халқаро стандарти бўйича текшириш учун мустақил ташкилотни танлаш учун жамият ички аудиторининг Кузатув кенгашига берган хулосасига асосан қуйидаги ташкилотлардан келиб тушган тижорат таклифларини тасдиқлашни таклиф қилди:

№	Аудиторлик ташкилоти номи	Бухгалтерия ҳисобини миллий стандарти бўйича текшириш учун хизмат хақи (сум)	Халқаро аудит стандарти, молиявий ҳисоботини халқаро стандарти бўйича текшириш учун хизмат хақи (сум)	Лицензия	Аудиторлик жавобгарлиги сугурта полиси
1	“HOMBUR-AUDIT” МЧЖ	6 000 000	8 000 000	№ 00749 01.04.2019й.	“KAFOLAT” СК МЧЖ сугурта суммаси 1млрд.сум

2	“NEWGLOBAL PROFESSIONAL -AUDIT” МЧЖ	8 000 000	7 000 000	№АФ-00750 01.04.2019й.	“КАФОЛАТ” СК МЧЖ суғурта суммаси 1млрд.сўм
---	---	-----------	-----------	---------------------------	---

Ўн биринчи масала муҳокамаси якунидан сўнг,

Овозга қўйилди : **Розилар** – 6 344 600 овоз,
Қаршилар – йўқ,
Бегарафлар – йўқ.

Қ А Р О Р Қ И Л А Д И :

11. “Ўзпартампонаж” АЖнинг 2019 йил якуни буйича бухгалтерия ҳисобининг миллий стандарти бўйича ташқи аудит текширувини ўтказиш учун “HOMBUR-AUDIT” МЧЖ аудитор ташкилоти тасдиқлансин ва унинг хизмат ҳаққи 6 000 000 (олти млн.) сўм миқдорида белгилансин ҳамда молия ҳисобининг халқаро стандарти ва халқаро аудит стандартларига мувофиқ ташқи аудит текширувини ўтказиш учун “NEWGLOBALPROFESSIONAL-AUDIT” МЧЖ аудитор ташкилоти тасдиқлансин ва унга тўланадиган хизмат ҳаққи 7 000 000 (етти млн.) сўм миқдорида белгилансин.

Кун тартибига қўйилган **ўн иккинчи** масала юзасидан сўзга жамият корпоратив маслаҳатчиси А. Махмудов чиқди, у ўз сўзида жамият фаолиятида корпоратив қонунчиликга риоя этилиши ўрганиб чиқилганда жамиятда амалда бўлган Устав ва ички низомларни қонунчилик талабларига мос келтириш мақсадида, яъни Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 20 мартадаги 351-УРҚ-сонли “Айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш киритиш тугрисидаги” қонунига асосан ўзгартириш ва қўшимчалар киритилиши кераклиги аниқланганлиги тўғрисида такидлаб ўтилди. Ушбу мақсадда ишлаб чиқилган “Ўзпартампонаж” АЖнинг амалда бўлган “Устави”, “Акциядорлар умумий йиғилиши тўғрисида”ги, “Кузатув кенгаши тўғрисида”ги, “Ички аудит тўғрисида”ги ва “Корпоратив маслаҳатчиси тўғрисида”ги низомларига киритиладиган ўзгартиришлар ва қўшимчалар матни билан йиғилганлар таништирилди.

Ўн иккинчи масала муҳокамаси якунидан сўнг,

Овозга қўйилди : **Розилар** – 6 344 600 овоз,
Қаршилар – йўқ,
Бегарафлар – йўқ.

Қ А Р О Р Қ И Л А Д И :


12. “Ўзпартампонаж” АЖнинг “Устави” ва “Акциядорлар умумий йиғилиши тўғрисида”ги, “Кузатув кенгаши тўғрисида”ги, “Ички аудит тўғрисида”ги ва “Корпоратив маслаҳатчиси тўғрисида”ги низомларига киритиладиган ўзгартиришлар ва қўшимчалар тасдиқлансин.

Умумий йиғилиш раиси

Йиғилиш котиби



Бозоров Ғ.А.



Мингяшаров Н.Қ.

Баённома имзоланди « 3 » июль 2019 йил.